



- \* Японияликлар ўзбек олимини мукофотлади
- \* Қароқчи санъаткорлар қаерда яшашади?
- \* Билл Клинтон давлат мактабда таълим олган
- \* Фермер бўлиш учун қандай йўл тутиш керак?



# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 Апрель Шанба. № 34 (14316)

## ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН

Ҳиндистон Республикаси Президенти Кочерил Раман Нараяннинг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1-3 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлади

Фарзандларимиз биздан афзалроқ, биздан ўткирроқ, биздан покроқ, савоб ишлари биздан ҳам кўпроқ қиладиган бўлишлари лозим. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аجدларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак. Бизнинг асосий куч-қудратимиз ва келажагимиз ана шунда.

И. КАРИМОВ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида мамлакатимиз Омбудсмани ҳуқуқий мақомини кучайтиришга бағишланган давра суҳбати бўлди

Йиғилишда Олий Мажлис Қўмиталари, тегишли вазирлик ва идоралар, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи ташкилотлар, адвокатуралар, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан бундан беш йил аввал Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозими жорий этилган эди. Бу давр ичида мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси ташкил этилди, институт ривожланишига замин яратилди, Омбудсман вазифаларини амалга оширишга кўмаклашувчи ижтимоий тузилмалар тизими ташкил топди, мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида Омбудсман вакиллари фаолият кўрсата бошлади. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Халқаро Омбудсман Институтини аъзоси бўлиб, қатор ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар билан ўз алоқаларини кенгайтирмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Прокуратураси ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан битимлар тузилган.

Бироқ, муҳокама пайтида таъкидлаб ўтилганидек, Омбудсман ўз фаолияти давомида муайян натижаларни қўлга киритган бўлишига қарамаддан, фуқаролар ҳуқуқи бузилиши ҳолларида ёрдам

кўрсатиш борасидаги ваколатларини амалга оширишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Омбудсманнинг бу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш учун тегишли ҳуқуқий асос яратилиши лозим.

Шу муносабат билан мамлакатимиз Омбудсмани ва Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари қўмиталари томонидан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги 1997 йил 24 апрелдаги Қонунига Омбудсманнинг ҳуқуқий мақомини оширишга йўналтирилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрланди.

Сўзга чиққанлар Омбудсман фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга йўналтирилган мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси томонидан эътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда инсон ҳуқуқларининг муҳофаза қилинишига ёрдам беришини таъкидлади.

Йиғилишда Омбудсман ҳақида амалиётда мавжуд бўлган қонунни ишлаб чиқишда катта ёрдам берган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг бир қанча Европа ва Америка давлатларидаги шундай тузилмалар билан алоқа ўрнатишига ёрдам берган халқаро эксперт Д.Готтерер сўзга чиқди. У ўз нутқида йиғилганларни жаҳондаги Омбудсманларнинг турли моделлари, уларнинг фаолияти ва ривожланиш йўналишлари билан таништирди.

Д.Саитова,  
ЎЗА мухбири



Сураткаш: Татьяна КРАВЧЕНКО

## ХОТИРА ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ

Хар бир асрнинг ўз қурилишлари бўлади. Тугаётган минг йиллик даврига мустақиллик йилларида юртимизда қад қўтарган янги иншоот, бино ва ёдгорликлар ёзилди. Бўзсув мавзесида бўй ростлаётган "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ҳам тугаётган асрнинг энг савобли ишларидан бири дейиш мумкин. Зеро, у мардлиги учун қатагон қилинган, бевақт ха-

зон этилганлар хотираси учун тикланаяпти.

"Юртим, туроним сундан айрилмоқ меннинг ўлимин, сенинг учун ўлмоқ меннинг триклигимдир" - деб хайқирган Фитрат ва унинг жўровозлари Чўлпон, Бехбудий, Мунаввар қори, Қодирийларни Ватан унутмади. Руҳларини шод этди. Миллатпарвар юрт ўғлонларининг қони тўкилган тупроқда азиз бир маскан дунёга келяпти "Шахидлар хо-

тираси"...

Хар дам олиш кунлари бу ерда ҳашарга чиққан минглаб ёшларни учратиш мумкин. Уларнинг нияти, истак-хоҳиши битта. Савобга шерик бўлиш.

Яқинда сеvimли масканлардан бирига айланадиган бу ёдгорлик мажмуасига зиёратга келганларнинг авлодлари руҳи қўллайди. Ва албатта яқин ўтмишдаги бео-

мон кулфатлар ва унинг қурбони бўлганлар ёди шунга ундайдики, токи инсон ахлоқига очиқ кўз билан қарасин, англаб тушуниб яшасин! Дориломон кунларнинг, Ватаннинг қадрига етсин.

Билсинки, бу ишлар, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлиб қолган эмас, уларнинг замирида олам-олам изланиш, жасорат ва саховат мужассам.

## Муҳим саналар олдидан

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш Республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов бошқарди.

Мамлакатимизнинг тўққиз йил мобайнида эришган ютуқларини тараннум этувчи умумхалқ шодиёнасида ҳозирлик ҳар йилгидан эртaroқ бошлангани таҳсинга лойиқдир. Бу байрамга пухта тайёргарлик кўриш, уни ташкилий ва бадиий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш имконини беради, албатта. Шонли санага мамлакат миқёсида тайёргарлик ишларининг ҳозирги аҳоли ҳақида Маданият ишлари вазирлиги Х.Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Эрназаров ахборот берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов пойтахтда ўтадиган байрам тантаналари сценарийсининг дастлабки режаси билан таништирди.

Ташкилий қўмита байрам олдидан мустақиллигимизнинг 9 йиллигини тантанали равишда ўтказишнинг бадиий-сиёсий гоёлари учун; пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун; энг яхши миллий мусиқа асарлари учун; энг яхши замонавий эстрада қўшиқлари учун; вилоятларнинг энг мукамал фольклор бадиий дастурлари учун республика танловини эълон этишга қарор қилди.

Шу кун мамлакатимизда 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш борасида тузилган Республика комиссиясининг ҳам мажлиси бўлди.

Мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда жамоат ташкилотларининг иштироки борасида "Нуроний" жамғармаси раиси Э.Бокибоев, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг раиси Ш.Жалилов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидландики, мамлакатимизда ҳозирги кунда 59 минг 300 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, икки юз эллик мингдан зиёд фронт ортида меҳнат қилган фахрий истикомат қилмоқда.

Байрам муносабати билан уларнинг ҳолидан хабар олиш, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматларини шарафлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Кунини кеча матбуотда эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги ҳукуматимиз қарори ана шундай улкан ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан фахрийларимизга, Ватанимиз мустақиллиги ва шаънини ҳимоя қилганларга моддий ёрдам кўрсатиш; маҳалла, гузар, кўча ва хонадонларда, қабристон ва қадамжоларда ободонлаштириш ишларини ўтказиш; пенсияонерлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиш борасида тадбирлар режаси маъқулланди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларига театр ва томоша залларида бадиий саҳна асарлари ва театрлашган томошалар, концертлар ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилди.

(ЎЗА)

## Илмий-назарий анжуман

Навоийда ал-Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигига бағишлаб "Ал-Мотурудий калом илмининг султони ва ҳидоят имоми" мавзuida илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Уни Навоий вилоят кончилиги институти, вилоят тарихчилар жамияти ва Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда уюштирди. Анжуманда Абу Мансур Мухаммад ибн Мухаммад ал-Ханафий ал-Мотурудий ас-Самарқандийнинг ҳаёт йўли ва фаолияти, устозу шогирдлари, унинг ислом илмининг ривожига тутган ўрни каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз қарорига кўра бу йил мамлакатимизда аллома таваллуд тўйининг нишонланиши аждодлар меросини ўрганиш, келажак авлодларни бу бебаҳо сарчашмадан баҳраманд этиш ва миллий маънавиятимизни юксалтириш йўлидаги улкан қадам эканлигини таъкидладилар.

Ёркул Умар,  
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Эрамининг XI асри бошларида Фазна султони Махмуд Ҳиндистонга бир неча бор саёҳат қилган. Олимлар ва маданият арбобларининг ғамхўр раҳнамоси бўлган Султон Махмуднинг сафар ҳамроҳлари орасида хоразмлик буюк олим, қомусуносу Абу Райҳон Беруний ҳам бор эди. Берунийнинг "Ҳиндистон" номли машҳур илмий асари ушбу қадимий мамлакат таърифига бағишланган.

XVI асрда Заҳриддин Муҳаммад Бобур Шимолий Ҳиндистонда қудратли давлатга асос солди. Ҳинд тарихчилари уч юз йил давом этган бобурийлар

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар янада кенгайди ва ривожланди. 1991 йилда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов расмий ташриф буюрган биринчи хорижий мамлакат айнан Ҳиндистон бўлгани бежиз эмас. Мазкур ташриф давомида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, техникавий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг мустаҳкам асослари барпо этилди.

Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи 30 га яқин давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланган.

Йиғилиш доирасида Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳамда Ҳинд савдо-саноат палатаси федерацияси аъзолари иштирокида семинар ташкил этилди. Унда "Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Ҳиндистон савдо-саноат палатаси федерацияси ўртасида қўшма Бизнес-қўмита ташкил этиш тўғрисида"ги шартнома имзоланди.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг ITES (Ҳиндистон ҳукуматининг техника ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича халқаро дастури) доирасида кадрлар тайёрлаш борасида ҳам фаол ҳамкорлик амалга оширилмоқда. 1998-1999 йилларда мазкур дастур

# БИРГАЛИКДА ЯНГИ АСР САРИ

сулоласи даврини мамлакат тарихидаги "олтин аср" деб таърифладилар. Дарҳақиқат, Марказий Осиё билан Ҳиндистон ўртасида қарор топган маданият ришталари Ҳинд адабиёти, мусиқаси, рассомчилиги санъати, меъморчилигининг шаклланиши ва ривожига салмоқли таъсир кўрсатди.

Бизнинг замонамизда ҳам бу буюк мамлакатга қизиқиш асло сусайгани йўқ. Ўзбекистонда Ҳинд маҳсулотлари, айниқса, машҳур Ҳинд чойи азалдан хуш кўриб истеъмол қилинади. Замондошларимиз Ҳинд киноси намойиш этилган чоғда кинотеатрларда турнақатор навбатлар юзага келгани, машҳур Ҳинд актёрларининг суратлари эса кўпсонли мухлислар орасида беҳад қадрли бўлганини яхши эслайдилар.

Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаклланиш ва ривожланиш йўлига "биринчи" сўзи ҳамохангдир. 50-йилларда Ҳинд жамоатчилигининг биринчи делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрган. Ўша йиллари собиқ Ҳиндистон Бош вазирли Жавоҳарлаъл Неру илк бор расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Савдо-иқтисодий муносабатлар даражаси мамлакатлар ўртасидаги алоқалар нақадар яқин ва узвий эканини кўрсатувчи бош мезондир. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ушбу кўрсаткич анча қисори ва узлуксиз ўсиб бормоқда. Ҳамкорлик йиллари мобайнида ташкил этилган 25 та қўшма корхона ҳозирда самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар дори-дармонлар ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, чой ва кофени қadoқлаш, турли маиший хизматлар ҳамда савдо-воситачилик фаолиятига ихтисослашган.

1993 йилнинг июль ойида Дехлида савдо ва фан-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Қўшма комиссиясининг ушбу ва навбатдаги учта йиғилиши якунига кўра томонларнинг турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишига кенг имкониятлар яратувчи қатор шартномалар имзоланди.

Ҳукуматлараро комиссиянинг сўнгги, тўртинчи йиғилиши 1999 йилнинг февралда Дехлида бўлиб ўтди. Мазкур

бўйича Ўзбекистон Республикасининг турли вазирликлари ва муассасаларидан 164 нафар мутахассис Ҳиндистонда таҳсил олиб қайтди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётлари Дехлига мунтазам авиакатновларни амалга оширмоқда. Яқиндан буён мамлакатимиз авиалайнерлари Панжоб штати пойтахти Амритсарга парвоз қила бошлади.

Бугунги кунда иқтисодий ҳамкорлик борасидаги асосий эътибор доришунослик, озиқ-овқат, тўқимачилик, заргарлик, тери ва жунни қайта ишлаш ҳамда сайёҳлик соҳаларида кичик ва ўрта қўшма корхоналарни ташкил этишга қаратилмоқда.

Шубҳасиз Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи икки мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, янги минг йилликда турли соҳалардаги алоқаларнинг ривожига кенг имкониятлар яратади.

Лайло АЗИЗОВА,  
Мардон ЁҚУБОВ,  
"Жаҳон" АА

## Сока университетининг буюк ифтихори

Ўзбекистон Фанлар академиясига Япониядан хушхабар келди.

Токионинг Сока университети ЎзФА Археология институти директори, тарих фанлари доктори Темур Шириновни жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун "Сока университетининг буюк ифтихори" мукофоти билан тақдирладди. Айтиш мумкинки, бу ўзбек илму фанининг халқаро миқёсдаги яна бир юксак эътирофидир.

Темур Ширинов - ўз соҳасининг йирик мутахассиси. Унинг тўртта йирик монография, иккита рисола, саксонга яқин илмий мақоласи эълон қилинган. Уларнинг кўпи АҚШ, Франция, Германия, Польша ва Ҳиндистон илмий журнал ва тўпламларида чоп этилган.

Олимнинг "Жанубий Ўрта Осиё бронза даври илк шаҳар маданияти" монографиясида долзарб муаммо - илк шаҳарларда жамиятнинг табақаланиши билан боғлиқ илмий фаразлар ўз ифодасини топган.

Темур Ширинов Ўрта Осиёнинг бронза, темир даври археологияси ва тарихи бўйича дунёдаги энг йирик мутахассислардан бири саналади.

## Халқаро семинар

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида халқаро семинар ўз ишини бошлади. Унинг иштирокчилари - республикаимиз вилоятларидан келган мураббийлар, ҳакамлар ва экспертлар халқаро тоифадаги қиличбозларни тайёрлашга доир долзарб муаммоларни муҳокама қилади.

Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев семинар иштирокчиларини қутлар экан, бугунги кунда Ўзбекистонда Олимпия ҳаракатининг ривожига ва тарғиботи Президент Ислон Каримов ва ҳукуматимизнинг ёрдами туфайли янги босқичга қўтарилганини таъкидлади.

Бу галги Олимпия ўйинлари йили тадбирларга бой. Уларни ўтказишдан асосий мақсад аҳолини, айниқса ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга фаол жалб этишдан иборат.

Семинар ишида Халқаро қиличбозлик ташкилоти экспертлари ҳам иштирок этмоқда. Семинар уч кун давом этади.

(ЎЗА)



2000 йил — соғлом авлод йили

Қамоқхона бошлиғи Асрорни чақирди. "Асрор Зокиров сизнинг жиноий ишларингиз билан танишиб чиқдик. Илгари ҳам бир неча марта судланиб жазо ўтаган экансиз. Ёшингиз ҳам эллики қоралаётган экан. Ёмон одатларингизни ташланг. Ишланг. Болаларингизни уйли-

ишлаб оиласига ёрдам бериш ўрнига яна эски улфатларига қўшилиб чойхонадан бери келмайдиган одат чиқарди.

Асрор қандай бўлмасин хотинини ўлдириб, ундан ўч олишни ўйларди. Хотини эса ўтирса ҳам, турса ҳам эрига инсоф тилар, унинг қабих режасидан беҳабар

ган бўридай ўзини қўярга жой топмасди. У кеч киришини интиқлик билан кутди. Шаҳарга оқшом чўкиб, кўча ва уйларнинг чироқлари ёна бошлади. Кеч киришига қарамай сершовкин шаҳар эса одатдагидай бедор эди. Асрор яна пичирлади: "Сенларга қаматиш нималигини кўрсатиб

ёрдамга чақиришга ҳам улгурмади. Кўзи қонга тўлган қотил ота қонга беланган болта билан қизлари Малика ва Муҳаббатни, сўнг ўғли Шавкатни чавақлаб ташлади.

— Ўша куни Жўрабек исмли ўртоғим билан тижорат қилиш учун Туркменистонга жўнамоқчи

Зокировнинг қилмишини Самарқанд вилояти суди кўриб, уни олий жазога маҳкум қилди.


Кишини ажаблантирадигани, уч кишининг бевақт ўлимига ва бир инсоннинг бир умр мажруҳ бўлишига сабабчи бўлган А.Зокиров Республика Олий Суди жиноий ишлар бўйича судлов хайъатига қил-

# КОТИЛАГА АЙЛАНГАН ОТА

жойли қилинг. Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонида асосан сиз жазодан озод қилиндингиз. Бу сиз учун яна бир имконият".

Асрор қамоқхона ҳовлисида ташқарига чиқди-ю, енгил нафас олди. Бироқ берилган имкониятга шукр қилиш ўрнига муштани тугиб қўйди. "Бошимга қора кунлар тушишига сен айбдорсан Турсуной. Сендан барибир ўч оламан!"- дея пичирлади-ю, шитоб билан юриб кетди.

"Зона"дан қайтган Асрорни хотини Турсуной яхши кутиб олди. Ахир жигаргўшаларининг отаси. Болалари унинг бағрига отилишди. Кўни-қўшнлар, қариндош-уруғлари "Асрорнинг ёши бир жойга бориб қолди. Энди ўйлаб иш қилар", дейишди. Отага фарзандларининг бири эркаганиб китоб олиб беришини илтимос қилса, яна бири эса туфлиси йиртилганини айтиб, отасига умид кўзи билан боқарди. Аммо Асрор ота бўлиб фарзандларига нисбатан қалбида меҳр йўқ эди. Унинг қалби хотинидан ўч олиш қаҳри билан ёнарди. Хотини шўрлик эса эрининг кўнглини олиш учун унинг айтган нарсаларини бажо келтирарди. Оила бошлиғи кўрсатилган меҳрдан талтайдими, бирон ташкилотда



яшаб юрарди. Асрор болалари ойисининг пинжиги текилиб ўтирганини кўрса фарзандлари ҳам кўзига бошқача кўринарди. "Сенларнинг тилинг бир. Сенларга қаматиш нималигини кўрсатиб қўяман. Ҳаммангни чавақлайман". Асрор ана шу сўзларни айтиб пичирлади. 1998 йил 2 февраль куни тун бўйи ўч олиш қаҳри билан тўлган Асрор тонг отиши биланок шаҳарга отланди. Кун бўйи қутирган маҳлуқдек шаҳар кезиб санғиди. Консира-

У чўнтагидаги қалитни олдида уйнинг эшигини шовқинсизгина очди. Сўнг ошхонадан ўзи яшириб қўйган болтани олдида оёқ учида юриб хотини ва болалари ухлаб ётган уйга кирди. "Мен сенларга қаматиш нималигини кўрсатиб қўяман. Ҳамманг ўлимга маҳкумсанлар" ширин уйкуда ётган хотинининг бошини мўлжаллаб болта билан кетма-кет ура бошлади. Қутилмаган бу ваҳшийликдан хотини ҳатто овоз чиқариб болаларини, кўни-қўшнларини

эдим. Поездга улгурмадик. Ярим кечаси ўртоқларим билан уйга келдик. Не кўз билан кўрайки отам онамни, сингилларимни ва укамни болта билан чопиб ташлаган экан. Мени кўриб "Кел ўғлим, сен бешинчиси бўласан!"- дея қўлидаги қонли болта билан менга қараб югурди. Мен зўрға қочиб қутилдим, -дея эслайди қотилнинг катта ўғли Халил Зокиров.

Уйдаги оила аъзоларини болтадан "ўтказган" Асрор болаларининг сумкасини титиб, қоғоз-қалам олиб ёза бошлади. "Менинг ҳаётдаги барча азобларимга сен айбдорсан, Турсуной. Шунинг учун сендан ва болаларингдан ўч олдим. Энди ўзим ҳам дунёнинг азобларидан қутилам".

Асрор қонли болтани кўтариб ИИБга бориб, ўз қилмиши ҳақида баён қилиб беради. Зудлик билан етиб келган ИИБ ходимлари тез ёрдамни кўмакка чақирди. Врачларнинг ёрдами туфайлигина Маликанинг ҳаёти сақлаб қолинди. Аммо у ҳам бир умрга гапира олмайдиган мажруҳ бўлиб қолди.

...Бутун маҳалла оёққа турди. Ўша машъум кун бир оиладан юракларни эзиб уч тобут лапанглаб қабристон томон йўл олди. Азага йиғилган одамлар қотил отага лаънатлар ўқиди. Асрор

миши учун Самарқанд вилояти суди томонидан берилган Олий жазони енгиллаштиришни сўраган. Яқинда жиноят иши унинг аризаси билан Республика Олий Судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатида кўриб чиқилди ва Самарқанд вилояти судининг олий жазо тайинлаш ҳақидаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилди.

Ҳожеа юз берди. Бир оиладан уч киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Қотил эса хонадон бошлиғи — Ота. Кишини бир савол ўйлантиради. Бу қотиллик содир бўлмаслиги мумкинми? Биз саволга "ҳа" деб жавоб беришимиз мумкин. Агар маҳалла аҳли, кўни-қўшнлар ва бу оиланинг яқинлари, участка нозири "зона"дан қайтган Асрорнинг тақдирига лоқайдлик қилмаганида эди, бу Ҳожеа содир қилинмаган бўларди. Асрор жазони ўтаб келганидан сўнг на ҳокимиятдагилар, на маҳалла аҳли унинг тақдири билан қизиқиб кўрди. Оқибатда Асрор беғуноҳ инсонларнинг қотилига айланди. Айтинг-айтинг бу Ҳожеа бошқа такрорланмасин.

**Алишер ҲАЙТОВ,**  
**Республика прокурату-**  
**расининг судларда**  
**жиноий ишларни**  
**кўришда прокурор**  
**ваколатини таъминлаш**  
**бошқармаси прокурори**

## ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОНМИ?

— Баҳодир ака, туман Жиззах вилоятининг чўл зонасида жойлашган. Яна бир муаммо. Ерларнинг мелеоратив ҳолати ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу эса арнасоилик деҳқонлар учун анча қийинчиликлар туғдиради.

— Ҳақиқатан ҳам туманимиз ерларида ҳосил ўндиришнинг ўзи бўлмайди. Меҳнатда тобланган деҳқонларимиз бунинг уддасидан чиқишяпти. Бу чўллар бир пайтлар қуш урса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган эртақлардаги жой бўлган. Инсон қўли гул деб бекорга айтишмас экан. Кейинги йилларда чўлларимиз бўстонга айланоқда. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Бундан 15-20 йил олдин республикамизнинг турли бурчакларидан чўлнинг ўзлаштириш учун келган инсон фарзандлари ҳам эндиликда "биз арнасоилик"миз дея фахрланишяпти.

— Ўзингизга маълумки, давр ўзгармоқда, мулкчиликнинг шакллари ҳам. Айниқса кейинги пайтда фермер хўжалиқларига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туманда бу соҳада ишлар кўнгилдагидекми?

— Жорий йилнинг 1 мартига 597 фуқародан фермер хўжалиқлари очиш тўғрисида ариза келиб тушган. Шундан 595 тасига туман ҳокимлигининг фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор чиққан. Туман ер ресурслар бўлимидан 20552,7 гектар сўғориладиган ер майдони ажратилган. Аммо туман ҳокимлиги томонидан қарор чиқарилиб, ташкил этилган фермер

хўжалиқларидан 19 таси давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмаганлиги аниқланди. Яна 12 та фермер хўжалиғи алоҳида муҳрларини олмасдан фаолият кўрсатаётгани текширишда маълум бўлди.

— Ер давлат бойлиғи. Уни ҳеч ким талон-тарож қилишга

— **Осон. Бунинг учун фермер ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва тадбиркор бўлиши шарт, - дейди Арнасой туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Баҳодир Эргашев**

ҳаққи йўқ. Бироқ, айрим фермерлар хўжалиқлардан ерни ижарага олгач шартномада кўрсатилган экинларни экиш ўрнига томорқа учун фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Тўғрими?

— Саволингизда жон бор. Тўғриси қишлоқ хўжалиғида томорқа энг оғриқли муаммо. Аммо кўпгина деҳқонларга қонуний томорқалар ажратиб берилсада, бироқ айримлари бунга қаноат қилмасдан ўзбошимчалик билан томорқалар қилишга ҳаракат қилишяпти.

"Дўстбўлат" фермер хўжалиғи раиси Учқун Суяндиқов 34 гектар сўғориладиган ерни 30 гектарига ғалла, 2 гектарига пахта экканлиги тўғрисида туман статистика бўлимига ҳисобот топширган. Фермер эса 1 гектар ерга макка экиш ўрнига 1 гектардан томорқа учун фойдаланган. Яна бир мисол. Ёқуб Абдурахимов "Шодибек" фермер хўжалиғига раис бўлгач у ўзбошимчалик қилиб 4 гектардан ортиқ ер майдонидан томорқа учун фойдаланган. Фермер Мурод Тешабоев, Абдуғаффор Амантурдиев-

лар ҳам туман статистика бўлимига ишлар қонуний кетяпти дея ҳисобот бериб ўзбошимча иш тутиб, ижарага олинган ерлардан томорқа учун фойдаланишган. Энг ажабланоқлиси, бундай мисоллардан кўплаб келтириш мумкин.

— Баҳодир ака, ўзбекчилик-

да лабз деган нарсаси бор. Лабзидан қайтган, ваъдасини бажармаган одамни халқимизда виждонсиз дейишяпти. Бу сўзларни айтишдан мақсад фермерлар ташкилотлар билан шартномалар имзолашда.

— Мен сизнинг фикрингизни илғади. Тўғриси айтиш керак. Кўпгина ташкилотларнинг синишида, яъни банкротликка учрашида, уларнинг ҳамкорлари ҳам сабабчи бўлмоқда. Сабаби икки томон келишиб шартнома имзолашяпти. Маҳсулотини бериб юборади. Қарабсизки, оилар ўтса ҳамки келишилган суммадан дарак бўлмайди. Оқибатда маҳсулот берган корхона ходимларига ўз вақтида мош бера олмайд.

Фуқаро Сирли Яссаков "Андижон" деҳқон фермер хўжалиғи 14-звено бошлиғи вазифасида ишлаб "Жапан" фермер хўжалиғи номидан иш кўрган. У ўтган йилнинг 12 март куни "Дўстлик" дон ҳиссдорлик жамияти билан давлат эҳтиёжи учун дон ётказиб бериш бўйича контрактация шартномаларини тузади. Аммо, ваъ-

да қоғозда қолаверади. "Пахтакор" пахта тозалаш заводи билан давлат эҳтиёжи учун пахта топишириш юзасидан ҳам шартномага имзо чекади. Бироқ, бу шартноманинг ҳам шартлари бажарилмай қолди. Ушбу фермер хўжалигининг фаолияти текшириб кўрилганда, ерни ижарага

олиш шартномаси тузилмаганлиги, белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинмаганлиги, юридик шахс мақомини йўқлиги, банкда ҳисоб рақам очилмаганлиги, энг қизиғи, ҳали туман ҳокимининг ушбу фермер хўжалигини ташкил қилиш ҳақидаги қарори чиқарилмаганлиги маълум бўлди. "Жапан" фермер хўжалиғи 15 гектар кузги бугдой, 6 гектар майдонга пахта экканини кўрсатиб, "Андижон" деҳқон-фермер уюшмасининг юмалоқ муҳри билан контрактация шартномасини тузган.

— Фермерларнинг бундай камчиликларга йўл қўйишида уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан билимларининг етишмаслиги сабаб бўлмаётимикан?

— Тўғриси, айрим фермерларимиз "Фермер хўжалиғи тўғрисида"ги қонунни ҳам билишмайди-ю. "Мен фермер бўлмоқчиман" деб юқори идораларга югуришяпти, Мен бу фикрларим билан яхши ташаббус билан кенг қўлоқ ёяётган фермер хўжалиқларига эътироз билдиришмоқчи эмасман. Имкон даражасида уларга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам

беришга тайёремиз. Уларни қўллаб-қувватлаймиз. Ахир юртимизда қанча мулкдор кўпайса, шунча яхши-ку. Фермер бугунги кунда қишлоқнинг ҳақиқий мулкдори экан, энг аввало у ўзининг мажбурият ва бурчини ҳис қилимоғи лозим. Юқорида мисол келтирганимиздек, айрим қўштирноқ ичидаги ишбилармонлар — фермер хўжалигини хоҳлаганча томорқа эгаси бўлиш деб тушунаётгани кулгил.

— Баҳодир ака, суҳбатимиз мавзусидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиқларини тузишда уларнинг оёққа туриб, қаддини ростлашда анчагина муаммолар бор экан. Бу муаммоларни ҳал қилишда туман прокуратурасининг саъй-ҳаракатлари қандай бўляпти?

— Бизга ёрдам сўраб келган фермерларга имкон қадар кўмагимизни бериб келяпмиз. Туман прокуратураси ходимлари жойларга чиқиб уларга ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатишяпти. Ер, техника, ёқилғи ва бошқа муаммолар юзасидан хўжалиқлар билан тузган шартномалари юзасидан келишмовчилик пайдо бўлса қонуний ҳал қилинапти. Ниятимиз фақат битта — юртимизда мўл-кўлчилик, тўқин-сочинлик бўлсин. Янги замон одамлари бу ёшларимиз. Улар энди ишлашсин.

Юртбошимиз Ислам Каримов "Ширкат, ферма, деҳқон хўжалиқлари учун кенг йўл очиб берилган тақдирдагина раванқ топиш мумкин", дея таъкидлаган эди. Бир сўз билан айтганда бўлсам, "Фермер бўлмоқчиман, ишламан" дейдиган, юрагида ўти бор инсон учун ҳамма шароитлар етарли.

**Суҳбатдош:**  
**Гулноза СОБИРОВА**



## Бугунги таълим

АМАЛИЁТЧИ ТАЛАБА  
ҚАЕРГА БОРАСАН?

*Айнан шу савол билан Тошкент Архитектура ва қурилиш институти талабаларига муурожаат қилдик.*

**Шухрат, 1-курс талабаси:**

— Амалиётимиз ҳали бошланмади. Олаётган билимимизни синаб кўриш мақсадида Хивага бормоқчимиз. Ўқитувчиларимизнинг айтишича, у ердаги биноларнинг қурилишини ўрганиб, лойиҳасини чизарканмиз.

**Ҳожиакбар, 3-курс талабаси:**

— Биринчи марта амалиётга бутун гуруҳимиз билан Абу Бакр Каффо Шойий мақбарасига боргандик. Кўпчилик талабалар қайтиб кетган. Атиги 2 бола қолганмиз. Бизнинг ишимиз деворларни ўлчаб қоғозга тушириш эди. Бу иш менга жуда ёққан. Ниятим: келажакда мамлакатимиз бунёдкорлигини ривожлантириб, замонавий биноларни қурмоқчиман.

**Наргиза, 2-курс талабаси:**

— Менинг биринчи амалиётим ўзимизнинг институтда ўтган. Сўнг, Самарқандга бориб кўп нарсаларни ўрганиб келдик. Юртимизда тарихий обидаларнинг кўплиги, ота-боболаримиздан мерос қолган бу ёдгорликларни ўрганиш биз учун фахрли. Аммо имкониятлар бўлиб, хо-

риж бунёдкорлик ишларини ўргансак ёмон бўлмайди.

**Абдувоҳид, 5-курс талабаси:**

— Биринчи курслигимизда геодезия билан шуғулланганмиз, яъни ер рельефини ўлчаганмиз. Ўшанда бизга "Пахтакор" стадионидан "Пахтакор" метро бекатигача бўлган майдон ажратилган эди. Энг қизиқ ишимиз шу бўлган. Кейинги курсда Қозғистоннинг Остона шаҳрига бориб, у ердаги масжидлардан бирининг гумбазида ишладик.

*Бўлажак архитекторларнинг орзулари бир олам. Бироқ, уларнинг фақат турли тарихий обидаларда амалиёт ўташлари бизни бироз ҳайратлантирди. Чунки, юртимизда қанчадан қанча ва янгидан-янги замонавий қурилишдаги бунёдкорлик ишлари қилиняпти. Замонавий архитекторлар тайёрлаш эса бугуннинг ва келажакнинг талаби. Шундай экан фақат тарихий обидалар билан чекланиб қолмасдан, ривожланган давлатлардаги қурилиш лойиҳаларини ўрганиб тадбиқ этишса яхши бўлармиди...*

*Сиз-чи, азиз талабалар! Амалиётни қаерда ўташни хоҳлайсиз?*

*Мунозара давом этади.*

**А.ИЛҲОМОВА**

## ДОРИШУНОС МАКТАБ ҚУРДИ

Булунғур тумани "Ипак йўли" ширкатлар хўжалигининг Жонхўроз қишлоғида туғилиб ўсган Мамаюсуф Шодмонов "Соғлом авлод йили"да ўз ҳамқишлоқларининг фарзандларига янги мактаб биносини совға қилди.

Асли касби доришунос бўлган Мамаюсуф ака узок йиллар шу соҳа бўйича Самарқанд шаҳрида ишлаб келди. Умрининг "кексалик" деб аталган нуроний палласи ҳам эшик қоқиб, ўтган йили пенсияга чиқди. Туғилиб ўсган қишлоғига қайтди.

8 фарзанд, 20 нафар неваралар кўрган пири-бадавлат Мамаюсуф ота кенжа неварасини етаклаб, мактабга олиб борди. Аммо мактабдан юраги эзилиб қайтди. Чунки маърифат ўқоғининг аҳволи ночор эди.

Уйига кириб умр йўлдошига маслаҳат солди: ёрдамчи хўжалигимиз даромадидан қишлоққа мактаб қуриб берсам қандай бўлар экан-а?

— Отаси, нафақага чиқиб маслаҳат сўрайдиган бўлиб қолибсизми, қандай бўларди, зўр бўлади-да! - далда берди хотини.

Шундан сўнг Мамаюсуф ака, хўжалик раиси Алибек Мирзабеков, туман халқ таълими бўлими мудири Тўхтамурод Сафаров ҳамда мактаб директори Абдуҳамид Исроиловга ўз қарорини айтди. Тез кунда қурилиш ишлари бошланиб, 9 та синфхона, спорт зали, компьютерлар хонаси тиклаб бўлинди.

— Қишлоқда фаолият кўрсатётган мактабда 68 нафар ўқувчи таълим олади, - деди Мамаюсуф ака "Туркистон-пресс" мухбирига. - Янги мактаб тўла ишга тушса, илм ўчоғи 280 ўқувчини ўз бағрига олиб, у ерда фақат бошланғич синфлар эмас, балки тўққизинчи синфлар ҳам ўқиш имкониятига эга бўлишади. Қилаётган бу саховатимни мамлакатимиз раҳбарининг ёш авлодга кўрсатётган ғамхўрлигига жавобим деб биламан.

Булунғурлик Мамаюсуф Шодмонов икки дунё саодати-га лойиқ савоб ишга қўл урди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак.

**"Туркистон-пресс"**

Америка Қўшма Штатларида таълим ягона марказлашган тизимга эга эмас. Чунки АҚШ конституциясига асосан таълим федерал ҳукумат назоратида бўлиб, уни маҳаллий ва штат ҳокимиятлари бошқаради.

Федерал ҳукуматдан фарқли равишда АҚШнинг барча штати ўз территориясидаги таълим сиёсатини ўзи назорат қилади.

Маҳаллий ҳокимиятлар эса асосан ўқитувчиларнинг ойлик маош миқдори, ишга олиш, махсус жадвалларга қўйилувчи талаблар, ўқитиш методлари, мактаблардаги

давлат мактаблари ва шахсий элита мактаблари ўртасида кучли фарқ сезилмайди. АҚШ Президентларидан Жорж Буш хусусий мактабда ўқиган бўлса, Билл Клинтон эса давлат мактабига қатнаган.

Битирувчиларнинг давлат ёки хусусий мактабни битирганлиги уларга ҳеч қандай имтиёз бермайди.

АҚШ мактабларидаги ўқув жадвалларига келсак, бу масалада ҳам ҳар бир штатнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Лекин шунга қарамай, айрим фанлар ўқитилиши мажбурий қилиб белгиланган. Масалан, бошланғич мактабда ўқиш, ёзиш, математика асослари,

аёл ўқитувчилар нисбати ортиб кетди, бу ўғил болалар тарбиясига ўз таъсирини кўрсатмоқда, деганимизда америкалик касбдошларимиз ҳам бундай муаммо уларда ҳам мавжудлигини эътироф этишди.

АҚШ таълим департаментида бўлган вақтимиз бизга ҳозир режалаштирилаётган ва яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган давлат дастурлари ҳақида гапириб беришди. Шу ўринда таълим ҳақидаги мунозаралар 1981 йил Президент Жорж Буш ҳукумат тепасидалигида бошланганини айтиб ўтиш керак. Ўшандан бошлаб штатлар ўз таълим стандарт-



ларини тузишни бошладилар ва бугунги кунга келиб 48 штатнинг ўз таълим стандарти бор. Сўнгги 10 йил ичида талабалар билим даражасини аниқловчи махсус комитетлар тузилди.

Давлат стандартлари хусусий мактаблар учун ҳам мажбурий саналади. Чунки улар ҳам таълим сифатига эътибор беришлари шарт. Таълим даражаси давлат таклиф қилган мажбурий бўлмаган тестлар ёрдамида аниқланади. Лекин университетлар қабул қилмоқчи бўлган талабалар сонини ўзлари белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Талабалар университетларга коллеждаги тест назорати натижалари, олган баҳолари, дарсдан ташқари фаоллигига қараб қабул қилинишлари мумкин.

Биз Америка Қўшма Штатларида энг оммавий саналган мутахассисликлар билан қизикдик. Энг оммавийлари бизнес, техник, юридик ва медицина соҳалари экан.

Биздаги каби Америкада ҳам истеъдодли талабаларга алоҳида эътибор билан қаралиб, уларни қувватловчи махсус дастурлар асосида иш олиб борилади. Турли стипендиялар таъсис этилган. Ота-онаси бўлмаган талабаларга берилувчи махсус стипендия 40 яшар талабага ҳам берилади. Сабаби у ҳам етим бўлиши мумкин.

АҚШ таълим тизими ҳам бугунги кунда Ўзбекистондаги каби ислохот босқичини бошдан кечирмоқда. Ютуқлар билан бирга муаммолар талайгина.

**Севара МАХМУДОВА,**  
филология фанлари  
номзоди

ўқиш вақти каби масалалар устида бош қотиради.

АҚШдаги таълим тизими марказлашмаганлиги сабабли, федерал ҳокимият уни фақат 7 фоизгагина молиявий жиҳатдан таъминлайди. Иқтисодий таъминотнинг тахминан 46 фоизи штат ва 47 фоизи маҳаллий ҳокимиятлар ҳисобига тўғри келади.

Ўқитиш тизими турли бўлсада, биз уни қуйидаги босқичларга бўлинганлигини кўрдик:

1. Бошланғич мактаб. (6-синфгача, 5-12 ёшлилар).

2. Ўрта ёки иккиламчи мактаб. (7-8-синфда 12-14 ёшлилар).

3. Юқори мактаб. (9-12-синфда 14-18 ёшлилар) ўқитилади.

Бошланғич таълим биздаги бошланғич таълимга ўхшайди. Кўпгина мактабларда бир ўқитувчи 20-32 та боладан иборат синфда турли фанлардан сабоқ беради. Умуман олганда кўпгина штатларда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар учун таълим мажбурий ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда АҚШда 60 миллион ўқувчи давлат мактабларида, 6 миллиони (11 фоизи) эса хусусий мактабларда таълим олади. Пулдорлар учун мавжуд бўлган элита мактабларидаги 1 йиллик таълим қиймати 25000 долларни ташкил қилади. Лекин

санъат (тасвирий санъат), жисмоний таълим, фан ва ижтимоий билимларни ўқитиш шарт. Ўрта мактабда эса талабалар муайян фанларни танлаб ўқиш имконига эгалар.

Қўшма Штатлардаги олий таълимга келсак, у жамоат (юниор) коллежлари, давлат ва хусусий институтлар ва университетларни ўз ичига олади. Жамоат (юниор) коллежлари XX аср бошларида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда бу тизим дунёнинг жуда кўп мамлакатларида амал қилади. Бундай коллежлар олий таълим (юқори синфлардаги таълим) ва университет таълими ўртасидаги ўтиш (боғловчи халқа) босқичи саналади. У 1-2 йиллик таълимни ташкил қилиб, унда талабалар ўзлари танлаган муайян соҳа бўйича маълумотларни олиб, касб асосларини ўзлаштирадилар.

Ўқитувчиларни тайёрлаш ва ўқитиш ишларини ҳокимиятлар бошқаради. 1997 йил маълумотларига кўра мамлакатда 3 миллион ўқитувчи бўлиб, уларнинг 2,6 миллиони давлат мактабларида, қолганлари хусусий мактабларда ишлашган. Уларнинг 27 фоизини эркаклар ва 73 фоизини аёллар ташкил этган. Бу маълумот яқиндагина матбуотимизда бир неча бор тилга олинган муаммони ёдимга солди. Мактабларимизда



## ЎНТИМ ЁШИМИЗДА

Йигит ёшимизда илм, одоб билан,  
Меҳнатимиз билан элга ёққан чоғ,  
Баъзи дўст севгани — моҳитоб билан.  
Учрашиб, ҳуснига тўймай боққан чоғ,  
Гитлер юртимизда бошлади уруш,  
Режалар, хаёллар тамом ўзгарди.  
Тинчини йўқотди фаровон турмуш,  
Кўпайди ҳар кимнинг қайғуси, дарди.

Ойдин кечалар-у,  
Севган ёр васли —  
Бари ортда қолди,

Биз кетдик жангга.  
Олтин куз, қаттиқ қиш,  
Баҳор, ёз фасли  
Ҳушёр бўлиб боқдик оловли тонгга.

Биз жангга киргандик қасамёд айлаб,  
Шарафдир ярасак элнинг нафига.  
Оталар ўгитин юракка жойлаб,  
Кўшилдик дўстликнинг метин сафига.

Оқопда олчоқни пойлаб ўқ уздик,  
Болишимиз бўлди баъзан тош, кесак.

Муз парчасин ёриб, дарёда суздик,  
Табриклар ёғилди биз ёвни қирсак.  
Қон билан бўялди, қирлар, далалар,  
Қон кечдик,

Этиklar бўлди қип-қизил.  
Бизга умид билан боқди оналар,  
Жасорат кўрсатдик,  
Бўлдик чин ўғил.  
Ажал комида ҳам ишонч ўлмади,  
Ватан меҳри бўлди ҳеч туганмас куч.  
Ўлимни заррача писанд қилмадик,  
Фафлатда қолмадик,  
Олдик ёвдан ўч.

Бироқ ғалабамиз бўлмади осон,  
Жангда ҳалок бўлди не-не тенгдошлар.  
Қора тутун билан қопланди осмон,  
Эсласак, ҳали ҳам оқар кўз ёшлар.

Гўдаклар қудуққа тирик ташланди,  
Халқни томга қамаб олов қўйди ёв.  
Жасур, кўркмас қизлар яланғочланди,  
Дорларга осилди кўплаб беаёв.

Қанча-қанча она, қанча келинлар  
“Қора хат”дан қўйиб адо бўлдилар.  
Кўплаб у даҳшатли, оловли йиллар  
Ғамин кўтаролмай бевақт ўлдилар.

Йигитлик чоғимиз бўлди кўп қисқа,  
Ўн тўққиз ёшдаёқ сочга тушди оқ,  
Кўриш насиб бўлмай қолди кўп дўстга,  
Кўпларимиз бевақт ушладик таёқ.

Йигит ёшимизда Ватан, эл учун  
Улуғ жангда шундай қилдик жон фидо.  
Биз сақлаб қололдик дунёнинг тинчин,  
Майиб бўлиб, кучдан бўлсақда жудо.

Ва лекин ўлмагай жасоратимиз,  
Абадий қўшиқдир биз кучган зафар!  
Тилларда дostonдир маҳоратимиз,  
Шухратимиз яшар дунёлар қадар!

**Тўра ЖУМАН,  
уруш фахрийси**

## ХОРАЗМ ХОНАНДАСИ

Бугунги кунда Хоразмда қўлига тор олиб, даврани гуллатиб юрган хонандалар кўп. Бироқ уларнинг ҳаммасини қалб ришталари санъат ишқи билан пайваста десак хато қиламиз. Кўпчилиги енгил-елпи қўшиқларни куйлаб машҳурликка даъвогар бўлмоқдалар.

Ёш хонанда Азамат Отажоновнинг эса санъатга меҳри, ҳурмат-эҳтироми бўлакча. У хоҳ мумтоз мақомлар, суворалар, хоҳ замонавий қўшиқларни куйламасин, биринчи навбатда ўзгалар оҳангини тақрорламасликка ҳаракат қилади.

Азамат ўрта мактабни тугаллаб, олдин Урганчдаги М.Харратов номидаги хореография билим юртида, сўнг эса М.Аш-рафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг “Шарқ” кафедраси мақом бўлимида таҳсил олди. 1-Ўрта Осиё мақомчилари кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлган. Айни кунларда “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасининг Хоразм вилояти бўлимида хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, Хоразмда қўшиқчи бўламан, деган ҳар бир ёш дастлаб “Феруз-1”дай оғир қўшиқни куйлашга ҳаракат қилади. Чунки бу қўшиқнинг куйлай олмайдиган хонанда ҳақиқий санъаткор эмас деган гап бор. Маърифатпарвар, санъатсевар Хива хони Мухаммад Раҳимхон Соний ҳам мазкур ашулани қийналмасдан етук даражада куйлаганларга “Ҳофиз” рутбасини берган экан. Мабодо қайси машшоқ ва хонанда бу дилбар навони бузиб талқин этса шу заҳотиёқ жазога маҳкум этилар экан. Шу боис қўлига тор олиб қуйловчилар “Феруз-1”га алоҳида меҳр билан қараб келганлар. Ҳозирги кунда ҳам воҳада бўлиб ўтадиган ҳар қандай тўю-тантаналар ушбу мумтоз қўшиқ билан бошланиши урфга айланган. Чунончи, “Феруз-1” бугунга довр санъат оламига талпинаётган ёшларни илк имтиҳондан ўтказди.

А.Отажоновнинг дастлаб бу мумтоз қўшиқни дилқушо оҳангларида ижро қилиб қалбимизга фараҳлик бахш этганида мамнун бўлдик. Ушбу қўшиқнинг нафақат айтим йўллари, балки ҳар жумласининг маъносини теран англашга унда болалигида-ноқ иштиёқ уйғонган экан.

— Раҳматлик отам Бекжон Отажонов ҳам санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист эдилар. У киши менга тушунтириб беришича, “Мушқун қош” (мушқул қош эмас Э.Б.) дегани қоп-қора ва нафис тукли қошлардир. “Чашми жаллод” эса — жаллод кўзлар. “Мушқун қошининг хайъати (хайрати эмас Э.Б.) ул чашми жаллод устани” деганда кўз олдингизга жаллод кўзлар атрофида ошиқни қатл қилиш учун фатво беришга шайланиб, саф тортиб турган сарой мулозимларидай қошни тушуниш керак. Бу хайъат аъзолари жаллод кўз билан ҳамити-тифоқликда ошиқнинг жонини олишга ҳукм ўқишга тайёр деган маънони биринчи мисрада англаш мумкин, — деб бизга машҳур қўшиқнинг бир мисрасини шарҳ-

лаб берди Азамат. Унинг Огаҳий ғазалида шу қадар мўъжиза, тилсим мужассамлигини фаҳмлаб олганини кўриб ҳайратланиб кетдик.

Кези келганда шунини айтиш керакки, Азамат яратган қўшиқларни бошқалар марказий телевидениеда ижро қилиб, “юлдуз”ликка даъвогар бўлиб юрибдилар. Жумладан, унинг “Шу қиз менга ёқади” ашуласи пойтахтликларнинг “яқиндагина яратган” қўшиқларини бундан беш йил муқаддам айнан нота-нотасигача Азамат яратиб қўйган эди. Бу қўшиқ унинг ижросида воҳа телевидениеси ва марказий радиода тез-тез бериб борилади. Ёшлар севиб тинглайдиган тошкентлик Тохирнинг “Марғилоннинг бикалари зўр бўлади” қўшиғини ёниб-қўйиб ижро қилаётганини кўриб қолдим. Бу қўшиқ ҳам бир замонлар А.Отажонов ижросида “Хоразм бикалари зўр бўлади” шаклида оммалашиб кетганди. Унинг сўзи ва мусиқаси ҳам хонанданинг ўзиники. Хоразмда қизларга нисбатан бика деб мурожаат қилишини билганида эди Тохирбек бу қўшиқни “ўзиники” қилиб куйламас эди. Қолаверса, Фаргона водийсида, жумладан Марғилон қизларига бика деб мурожаат қилмайдик-ку.

Очиги маҳаллий санъаткорлар яратган қўшиқларни пойтахтда яшаб ижод қилаётган санъаткорлар “қўшиқ қароқчилиги” уддасидан чиқиб ўзиники қилиб олаётгани ачинарли ҳолатдир.

— Бунинг учун мен сираям хафа бўлмайман, — дейди Азамат. — Хафа бўлишга вақтим ҳам йўқ. Чунки майда-кашлик билан вақтимни кетказганимдан кўра янги-янги қўшиқларни яратишим, мумтозларини ўрганишим зарур.

Дарҳақиқат, яхши қўшиқ ҳар замон, ҳар бир даврда ҳам маънавиятнинг олтин ёмбилари каби қадрланаверади. Чунки унда тарбия бор, руҳия таянч мавжуд. Азамат каби Ўзбекистоннинг олис бир бурчи саналмиш Хоразмда туриб “Мақомлар, кўнглимда яшайди” деб фахрланиб юривчилар қанчалик кўп бўлса, миллий қўшиқчилигимиз шу даражада юксаланаверади, ўзлигини намойиш этаверади. Зотан ўтмиш меросимиз саналмиш мақом ва суворалар қадрига етган авлодлар зарри эъзозлаган заргар каби ўзларида эҳтиром наснадига мушарраф бўлиши шубҳасиз.

**Пўлат ЭРМАТОВ,  
“Туркистон” мухбири**

## УНИ ҲАМ ЎҒИРЛАБ КЕТГИН ОЙМОМА

Ўғилой Усмонова — 1971 йилнинг 12 ноябрида Самарқанд вилоят Нарпай туманидаги Янгиработ қишлоғида туғилган. 1988 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тугатган. 1989 йил институтга ўқишга кириб, 1994 йилда “Донмахсулотлари бўйича инженер технолог” мутахассислигини олган. 1997 йил ЎЗР ФА И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти аспиранти эди.

2000 йил 1 февраль. Йўлининг поёнига етмаган... ҳаёт чечакларини териб улгурмаган қизни ўлим олиб кетди.



Ватанми,  
Ватанни таърифлаш қийин.  
Шунчаки Ватан, деб ёзиб бўлмас шеър.

Шундай ёзиш керак ўша Ватанда  
Туғилсам деб орзу қилсин Алишер.

Ватанми?  
Ватанни таърифлаш қийин.  
У — Машраб, ёқмаса агар бу таъриф.  
У — ўша Христофор Колумбга қараб  
Муштин дўлайтирган Абдулла Ориф.

Ватанни,  
Ватанни таърифлаш қийин,  
Дунёни бузардим мен ҳам дафъатан.  
Охирига учта ундов белгиси  
Кўйилган сўзларга сиксайди, Ватан...

Мен ерман — бағримдан кўқарар,  
Бир кунни ям-яшил майсалар.  
Ўша кун қайтадан кўтарар  
Энкайган қаддини осмонлар.

Қуёш қўл чўзади ҳойнаҳой,  
Ўстирган чечагим, гулимга.  
Шамол шеър ўқийди пойма-пой  
Соч дея бўйингни йўлимга.

Мен ерман беҳабар рибдан  
Пойингни пок қилиб ўтаман.  
Мен ерман шу телба дунёдан  
Бойчечак ўстириб ўтаман.

Мен ўлдим, ўттизга етмасдан ёшим,  
Ўрик гулларидай сочилиб ўлдим.

Мозийдан сўйлаган эртақларингни  
Эшитмай хазон япроғига айланиб қолдим.

Ғойибсан, ғойибдан ғойиб куч билан  
Тошбўрон қилдингми билолмай ўлдим.  
Юрагим тоmidан сенга атайлаб  
Қизғалдоқ терувдим, беролмай ўлдим.

Кумушранг ёғдуга лиммо-лим хона,  
У ухлаб ётибди гулдай бир дона.  
Уйғотма, кўздаги тушлари билан  
Сен уни ўғирлаб кетгин Оймома.

Кумушранг ёғдуга лиммолим хона,  
У ухлаб ётибди ғамгин, бегона.  
Уйғотма, кўздаги ёшлари билан  
Уни ҳам ўғирлаб кетгин Оймома.

УЗА

**Югославия** пойтахтида яна бир қотиллик содир этилди. Бу сафар "Югославия ҳаво йўллари" компанияси президенти Живорад Петрович ўз уйи ёнида отиб кетилди. Хабарларга қараганда, жиноятчилар яширинишга улгурган. Жабрдийда эса касалхонада жон берган.

Белграддан олинган маълумотларга қараганда, Ж.Петрович кўзга кўринган ишбилармон ва президент С.Милошевичнинг яқин одамларидан бўлган. Бу суиқасд сербиялик таниқли давлат арбоблари ва йирик ишбилармонларга нисбатан уюштирилган қотилликлар сафидан жой олди. Бу жиноятларнинг бирортаси очилмаган.

\* \* \*

**Россияда** "Прогресс" юк ташувчи ракетасининг парвози муваффақиятли амалга оширилди. У уч ҳафтадан буён "Мир" фазовий станциясида ишлаб, уни таъмирлаётган фазогирларга озиқ-овқат, сув ва техник жиҳозлар етказиб берди.

"Мир" станцияси 14 йилдан буён қотинолда. У ўзининг ишлаш муддатини тўла ўтаб бўлган. Шу боис россиялик мутахассислар станцияни уммонга чўктиришга қарор қилганди. Лекин хорижлик ишбилармонлар ундан сайёҳлик мақсадида фойдаланиш мумкин, деган фикрга келиб, станцияни таъмирлаш учун катта миқдорда маблағ ажратди.

\* \* \*

**Майамида**ги кубалик муҳожирлар яшайдиган туманда ҳамон кўп муассасалар, дўкон ва оммавий дам олиш масканлари ишламаяпти. Маҳаллий аҳоли Элиан Гонсалеснинг куч билан тортиб олиниши ва Кубага жўнатилишига норозилик сифатида шундай қилмоқда. АҚШ президенти Билл Клинтон эса яна бир қарра болани куч билан тортиб олиганини маъқуллади. У бу ишга фатво берган адлия вазири Жанет Ренонинг фаолиятдан ҳам мамнуният билдирди.

Ўтган шанба кuni Элиан Гонсалеснинг қариндошлари билан музокара узилиб қолгач, АҚШ адлия вазири тегишли маҳкамаларга болани куч билан қариндошларидан тортиб олиб, отасига топширишга кўрсатма берган эди.

\* \* \*

**Арманистон** президенти Роберт Кочарянга импичмент хавф солмоқда. Мамлакат парламенти уни лавозимидан бўшатиш жараёнини бошлашга қарор қилди. Айниқса, парламентда кўпчилиكنи ташкил қиладиган "Бирдамлик" ва "Барқарорлик" партияларининг фракциялари Р.Кочаряни тезроқ бўшатиш ташвишига тушган. Бунга президентнинг прокуратура ходимларига парламентдаги махсус мажлисда иштирок этишни таъқиқлагани ва кейинроқ бош ҳарбий прокурорни истеъфога чиқаргани сабаб бўлди.

Мажлисда ўтган йили олий қонун чиқарувчи орган биносида бўлган қотиллик борасидаги жиноий иш кўрилиши керак эди. Ўшанда кўпоровчилар тўғри мажлис залига бостириб кириб, саккиз нафар давлат арбобини отиб ташлаган, қурбонлар орасида мамлакат бош вазири ҳам бор эди. Депутатлар бундай ишни кўриб чиқишда прокуратура ходимлари албатта иштирок этиши шарт, деган фикрда.

\* \* \*

**Европа** Комиссияси телефон ва Интернет ало-

қаси бўйича иш юритадиган фирма ва компаниялар ўртасида рақобатни кучайтиришга қаратилган режалар дастурини тасдиқлаш ниятида. Комиссия аъзоларининг фикрича, бу соҳа бўйича Европа Иттифоқи мамлакатларида ишловчи компаниялар ўзларининг монополлигидан холисона воз кечиши керак. Шунда янги компаниялар учун иттифоқ мамлакатлари аҳолисига замонавий ва янада сифатли алоқа воситалари билан хизмат кўрсатишга йўл очилади.

\* \* \*

**Жазоир** раҳбарияти Конго демократик республикасидаги фуқаролар урушини тўхтатиш масалаларига бағишланган саммит ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Жазоир ҳозир Африка бирдамлиги ташкилотига ра -

ислик



қилмоқда. Унинг таклифини Конго президенти Лоран Кабила ва Жанубий Африка Республикаси президенти Табо Мбеки қабул қилди. Конгодаги фуқаролар урушига аралашаётган бошқа мамлакатлар раҳбарларининг эса ҳозирча Жазоирга келиш нияти йўқ.

Конгода Руанда ва Уганда исёнчиларни қўллаб-қувватлаётган бўлса, Зимбабве, Ангола ва Намибия ҳукумат кўшинларига ёрдам кўрсатмоқда.

\* \* \*

**Сенегал** пойтахти Дакарда таълим масалаларига бағишланган йирик халқаро анжуман бошланди. Унда 180 мамлакатдан вакиллар иштирок этмоқда. Тадбир қатнашчилари ўн йил аввал Таиландда ўтказилган шундай анжуманда қабул қилинган дастур ижроси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

Тадбир ташкилотчиларининг билдиришича, ўтган ўн йил мобайнида анчагина ютуқлар қўлга киритилган. Масалан, таълим олаётган қизлар сони ортган, умумий ҳисобда сайёрамиз аҳолисининг саводи бирмунча ошган. Лекин айти пайтда дастур умуман ижро этилмаётган минтақалар ҳам йўқ эмас. Африкадаги айрим мамлакатларда эса таълим соҳаси яхшиланиш ўрнига анча заифлашган.

\* \* \*

**Москвада** анча қаршиликлар кўрсатилишига қарамай, фашистлар даврига оид жиҳозлар кўргазмаси очилди. Хабарларга қараганда, улар орасида Адолф Гитлер миясининг бўлаги ҳам бор. Ўқ тешиб ўтган бу бўлак ўнлаб йиллар мобайнида КГБ архивида сақланган бўлса-да, унинг Москвага қандай келиб қолгани ҳалигача ошкор этилмапти.

Россиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, Гитлернинг жасади иккинчи жаҳон уруши сўнггида у яширинган бункердан топилган. Жасад қолдиқлари аввалига Германиянинг ўзида кўмилган, кейинроқ, 1970 йили эса эксгумация қилинган. Немис тарихчилари кўргазмадаги жисм ҳақиқатан ҳам Гитлернинг мияси эканлигига шубҳа билдирмоқда. Улар, шунингдек, бундай ашёларнинг кўргазмага қўйилиши тўғри эмас, деган фикрда.

\* \* \*

**МОСКВА.** Россия федерал кучларининг Доғистон ва Чеченистонда террорчиларга қарши олиб борган операциялари давомида шу кунгача 13,5 минг жангари йўқ қилинди. Россия қуролли кучлари Бош

штаби бошлигининг ўринбосари генерал-полковник Валерий Манилов шуни маълум қилди. Унинг таъкидлашича, айти пайтда кунига ўртача 30-40 жангари йўқ қилинмоқда.

\* \* \*

**ХЕЛСИНКИ.** НАТО Бош қотиби Жорж Робертсон май ойида Финляндияга ташриф буюради. Сафар чоғида у Финляндия президенти Таря Халонен, мамлакат ҳукумати ва қуролли кучлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Ушбу мулоқотларда НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида альянс ва Финляндия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади.

\* \* \*

**МОСКВА.** Чеченистонда Россия федерал кучларига қарши 3 мингдан зиёд жангари қураш олиб бормоқда. Россия қуролли кучлари Бош штаби

бошлигининг ўринбосари генерал-полковник Валерий Манилов журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Чеченистоннинг Ведено ва Ножайюрт туманларида Шомил Басаев ҳамда Хаттоб кўмондонлиги остида 800 дан зиёд жангари ҳаракат қилаётир. Шунингдек, Ш.Басаевнинг укаси - Ширвон Басаев бошчилигидаги гуруҳ ҳам шу ҳудудларда жанг олиб бормоқда.

\* \* \*

**ПЕКИН.** Хитой ҳукумати Россия Давлат Думасининг ядро қуроли синовини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани ратификация қилганини қўллаб-қувватлади. ХХР ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Сун Юйсининг таъкидлашича, Россия жаҳонда энг кўп ядро қуролига эга мамлакатдир. Россия парламентининг шартномани ратификация қилгани мазкур ҳужжатнинг аҳамиятини янада оширади, деди у.

ХХР ҳам ядро қуроли синовини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномани имзолаган давлатлар сирасига киради. Айти пайтда мамлакат парламенти ушбу ҳужжатни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқмоқда.

\* \* \*

**НАЙРОБИ.** Анголанинг очарчиликдан азият чекаётган аҳолиси ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун ўт-ўлан ва ҳашаротларни ейишга мажбур бўлмоқда. БМТнинг Африка мамлакатларидаги экспертлари ҳисоботида шундай дейилади. Халқаро ҳамжамият мутахассислари апрел ойи бошларида Анголанинг 31 та аҳоли пунктидаги аҳволни ўрганиб, бу ерларда озиқ-овқат ўта танқислиги ҳамда қочқинлар лагерларидаги шароит жуда ёмонлигига гувоҳ бўлган.

\* \* \*

**ГУДЕРМЕС.** Кун-кеча Чеченистон ҳудудида ноқонуний фаолият кўрсатаётган нефт хом ашёсини қайта ишловчи 32 та кичик завод йўқ қилинди. Россия ички ишлар вазирлиги матбуот маркази вакили журналистларга шуни маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида Чеченистонда 1218 та ана шундай завод фoш этилган ва йўқ қилинган.

УЗБЕКСТАН

|   |   |   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Х | У | Р | А | М | Е | Н | Н | А | Ф |
| З | С | Н | И | А | К | О | Т | И | Н |
| У | И | Д | Д | З | К | А | М | Б | О |
| К | Н | Р | Н | О | В | О | А | К | К |
| Е | М | А | Д | Ж | А | П | Л | А | С |
| Т | Р | О | Н | О | И | Л | Н | О | М |
| К | С | В | О | З | И | О | Н | З | Е |
| Р | А | Д | Р | Е | В | З | А | О | Т |
| И | Ч | А | С | Р | С | Е | М | Р | Т |

1. Ширинликлар тури (4).
2. Республикамиздаги нашриёт номи (3).
3. Муборак ой (7).
4. Мучал йилларидан бири (4).
5. Шаҳар транспорти (5).
6. Фасллардан бири (3).
7. Машҳур модельернинг исми (7).
8. Сезам радиосини олиб борувчиси (4).
9. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (7).
10. Ёмғирдан кейин ҳосил бўладиган мўъжиза (7).
11. Хонанда исми (9).
12. Бошқотирма (8).
13. Кимёвий элемент (7).
14. Спорт тури (4).
15. Буржлардан бири (5).
16. Республикамиздаги радио тўлқинларидан бири (5).

**Тузувчи: Муродхўжа  
ЗОКИРХЎЖАЕВ**

## ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИН- ГИЗМИ?

Газетанинг 26 апрель со-  
нида эълон қилинган бош-  
қотирма жавоблари:

1. Ҳазил.
2. Алп-Жамол.
3. Тереза.
4. "Муштум".
5. Ёкубова.
6. "Лаззат".
7. Талисафет.
8. Афанди.
9. Аломат.
10. Хангома.
11. Саид Аҳмад.
12. "Тошболтаошиқ".
13. Сотти.
14. "Табассум".
15. Латифа.
16. "Ёр-ёр".
17. Аския.
18. Тожибоев.
19. "Суюнчи".
20. "Мирзо".
21. Алдар-Кўса.
22. "Елим".
23. Тош.

## МУСИҚА МАКТАБИНИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ

Ривоятларга кўра, руҳ инсон танасига муסיқа билан киргизилган экан. Дарҳақиқат, муסיқада ўзига хос жозиба, сеҳрловчи, асир қилувчи бир куч борки, бу муסיқа муҳлислагига таниш. Шунданми, ўзбек халқи муסיқага ошно.

Куни кеча пойтахтдаги муҳташам "Туркистон" санъат саройида Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги Успенский номли Республика ўрта махсус муסיқа мактаб-интернатининг 60 йиллик юбилеи бўлиб ўтди. Бу муסיқа мактаби элимизга кўплаб санъаткорларни, созандаларни тайёрлаб берган. Улар нафақат Ўзбекистонда, қолаверса бутун дунёда ўз санъат маҳоратлари билан машҳурдирлар.

Тантанали йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари О.Р.Матёкубов кириш сўзи билан очиб, мактабнинг кейинги фаолиятига улкан ютуқлар тилади. Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари ўзларининг ажойиб куй-қўшиқлари билан кечага ўзгача руҳ киритиб, йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

ЗИЁДА

## КЛИНТОННИНГ ЯНГИ ФАРМОЙИШИ

Ходимларнинг кабинетларидаги лампочкаларни тўғри ўрнатиш ҳисобига Оқ уй ўтган йили 100 минг доллар миқдоридаги маблағни тежаб қолди. Ер куни муносабати билан АҚШ Президенти Билл Клинтон шу ҳақда баёнот берди. Экология муаммоларидан ташвиш изҳор этган таниқли актёр Леонардо де Каприо билан бўлиб ўтган суҳбатда Клинтон Оқ уйнинг томи қайта ёпилгандан сўнг бино қишда иссиқ, ёзда эса салқин бўлиб қолганини айтди. Президентнинг сўзларига қараганда, бу тадбирларнинг ҳаммаси "Оқ уйни кўкаламзорлаштириш" дастури доирасида амалга оширилган. Мазкур дастур ялпи исишга олиб келувчи иссиқликни чиқариб юборишни камайтиришга қаратилган. Клинтон, шунингдек, ҳукумат ва давлатга қарашли ташкилотларга бензин сарфларини 20 фоизга қисқартириш ва жамоат транспортдан фойдаланган ходимларга тоvon пули тариқасида ойига 65 доллардан ҳақ тўлаш тўғрисида фармойиш берди.

Бу ерда эълон қилинган маълумотларга қараганда, нефтни тежаш мақсадида Оқ уйнинг жами машина парки табиий газда ишлашга кўчирилади.

## ИНСОН ВА ҲАМИРТУРУШНИНГ ... "ҲАМИРТУРУШИ" МУШТАРАКМИ?

Ҳамиртурушдаги ва инсондаги тўқималарнинг ўсиш жараёнига назорат этиб турувчи оксилларнинг тузилиши кўп жиҳатдан бири-бирига яқин экан. АҚШнинг Сиэтл шаҳридаги саратон хасталигини тадқиқ этиш маркази олимлари ана шундай хулосага келдилар. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мазкур оксилларнинг ўзаро муштараклиги хавфли ўсмавларни барвақт аниқланишининг ўта сезгир технологиясини яратиш имконини беради.

Оқсил таркибининг тақрибан бешдан бир қисми ҳамиртуруш ва инсонда мутлақо бир хил бўлиб чиқди. Бундан ташқари, 40 фоизга яқин оксил таркиби икки протеиннинг бири-бирига яқинлигини кўрсатмоқда. Олимларнинг фикрига қараганда, жонли табиат объектларидаги катта эволюцион масофа билан ажратилган геном унсурларининг ошкор этилган ўта консервативлиги чуқур биологик моҳиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирда тадқиқотчилар лаборатория ҳайвонлари устида туркум тажрибаларни бошлаб юбордилар. Уларнинг натижалари бири-бирига яқин оксиллардан инсондаги хавфли ўсма хасталигига барвақт ташхис қўйишда нечоғли фойдаланиш мумкинлигини очиқ беради.


"Туркистон-пресс"

## Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

17 МАЙДАН  
7 МАЙГАЧА

**ҲАМАЛ.** Душанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Сешанба куни бойийсиз. Чоршанбада ишлар о'кей. Пайшанба сизни сирли учрашувга таклиф этади. Жума куни зиддиятлардан нари юринг. Шанбада соғлиқни авайланг. Якшанба яқинлар билан дийдорлаштиради.

**САВР.** Ҳафта бошида асабийлашманг. Сешанба ва чоршанба кунлари кайфиятингиз о'кей. Пайшанбада муҳим ишларга қўл урманг. Жума куни қувонасиз. Шанбада саломатлик ҳақида қайғуринг. Ижод учун самарали кун якшанба.



**ЖАВЗО.** Кўпдан кутаётган хабарингиздан душанба сизни воқиф этади. Сешанбада қувонасиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари ҳамкорлар билан тузган битимларингиз омадли бўлади. Жумани ўзингизга бағишланг. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

**САРАТОН.** Душанбада ишлар о'кей. Сешанба молиявий аҳволингизни яхшилайдиган. Чоршанбадан хушхабар кутинг. Пайшанбада муҳим ишларни ҳал этманг. Жумада саломатлигингизни ўйлашга тўғри келади. Шанба куни спорт билан шуғулланг. Якшанбада яхши дам олинг.

**АСАД.** Асабларингиз анча чарчагани душанбада сезилади. Сешанба куни зиддиятлардан нари юринг. Чоршанбада бойийсиз. Пайшанба куни кўнгилдагидек ўтади. Ҳамкорлар билан учрашувни шанбага, севгилингиз билан эса якшанбага қолдирунг.

**СУНБУЛА.** Ҳафта бошида сирли учрашув. Сешанба тижоратчилар учун омадли кун. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанба ва жумада зиддиятлардан нари юринг. Соғлиқ учун хавфли кун — шанба. Якшанбада яхши дам олинг.

**МЕЗОН.** Душанбада тушқунликка тушманг. Сешанба куни соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба куни тузган битимларингиз ўз самарасини беради. Муҳим ишларингизни жумада ҳал қилинг. Шанба куни сизни сўроқлашади. Якшанба кўнгилдагидек ўтади.

**АҚРАБ.** Душанба ва чоршанба кунлари молиявий аҳволингиз яхшиланади. Сешанбада қувонасиз. Пайшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Жума куни асабни асранг. Шанбада яқинларингиз билан кўнглироқлашасиз. Якшанба куни сирли учрашув.

**КАВС.** Ҳафта бошида сизни алдаб кетишга уринишади. Сешанба хайрли кун. Пайшанбада кўпдан бўён кутаётган одамнингиз билан дийдорлашасиз. Чўнтак учун баракали кун — жума. Шанбада яхши дам олинг. Якшанба яхши хабарлар еткази.

**ЖАДЙ.** Ижодкорлар душанбада самарали ижод қилишади. Сешанба куни қувонасиз. Чоршанбада сизни сўроқлашади. Пайшанба куни ҳамкорлар учрашуви. Жумада сизни алдаб кетишга уринишади. Шанба куни соғлигингизни ўйланг. Якшанбани яқинлар даврасида ўтказинг.

**ДАЛВ.** Ҳафта бошида қувонасиз. Сешанба куни узокдан кўнглироқ кутинг. Чоршанбада дийдорлашув. Пайшанба алда-ниш куни. Жумада зиддиятлардан нари юринг. Дам олиш кунлари спорт билан шуғулланг.

**ХУТ.** Душанба куни сизни сўроқлашади. Сешанбада бойийсиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Жумада сирли учрашув. Шанба куни кўпдан режалаштираётган ишларингиз ўнгидан келади. Якшанбада қувонасиз.

"Олтин Диёр" МЧЖга қарашли Икарус 250 12АА001 рақамли автобусга 1998 йил 14 июнда берилган лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинсин.

## ПАРВОЗИНГДА ДАВОМ ЭТ "ПАРВИЗ"

Шарқона яккакураш турларидан бири — каратэ бўйича халқаро мусобақаларда вакилларимиз Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб келаётир. Ушбу ютуқларни қўлга киритишда Бекободдаги "Парвиз" клубининг ҳам улуши катта. Россиянинг Тольятти шаҳрида 29 апрелдан 2 майга қадар каратэ бўйича МДХ кубоги учун кечадиган баҳсларда Ўзбекистонимиз шарафини "Парвиз" клубининг 8 ёшдан 45 ёшгача бўлган 14 нафар моҳир спортчилари ўз вазн тоифалари бўйича ҳимоя қилишади.

— Клубимиз ташкил этилганига эндиgina олти ой бўлди, — деди жамоа президенти, "Соғлом авлод учун" ордени совриндори Абдумўмин Абдумавлонов "Туркистон-пресс" муҳбири билан суҳбатда. — Шу қисқа вақт мобайнида 120 та медаллар шодасини қўлга киритдик. Умумжамоа ҳисобида эришаётган ютуқларимиз ҳам чакки эмас. Яқинда Самарқандда ўтказилган Осиё чемпионатида иккинчи, Ўзбекистон чемпионатида учинчи, Қаршида кечган "Наврўз" турнирида иккинчи ўрин насиб этди. Айни чоғда ака-ука жаҳон чемпионлари учовлон — Парвиз (8 ёш), Фаррух (10 ёш), Аъзам (12 ёш) Абдумавлоновлар мана шу клуб машғулотларидан камол топаётир.

А.Абдумавлоновнинг таъкидлашича, МДХ кубоги учун беллашувларда ёш каратэчилар қатори фахрийлардан Адҳам Юнусов, Бурхон Раҳмонов ҳамда ўзи кумитэ (якка олишув) бўйича гиламга чиқишади. Лекин клуб аъзолари халқаро мусобақаларга фақат ўз ота-оналарининг маблағи ҳисобига боришга мажбур бўляпти. Бу борада тегишли ташкилотлар томонидан каратэчиларга иқтисодий ёрдам берилса, ҳомийлар топишда кўмаклашилса айни муддао бўларди. Албатта, биз бу ишончни оқлаб, халқаро беллашувларда Ватанимиз байрогини доимо юксак кўтарамиз, дея сўзини якунлади клуб президенти.

"Туркистон-пресс"

## Жаҳон чемпионатида йўлланма

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича халқаро турнир якунланди. Унда 28 давлатдан 150 дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Турнирда ёш ҳамюртларимиз Музаффар Абдурахмонов ва Зоир Азимов ўз вазн тоифаларида галаба қозониб, август ойида Францияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланмаларни қўлга киритди.

— 1998 йилда Москвада ўтказилган Биринчи Жаҳон ўсмирлар ўйинларининг кумуш медали соҳиби Музаффар Абдурахмонов ва ўтган йили Хиндистондаги халқаро мусобақада кумуш медалга сазовор бўлган Зоир Азимовнинг Туркиядаги ишончли галабаси улар Франциядаги жаҳон чемпионати олтин медалларига жиддий даъвогарлардан эканлигини кўрсатади, — дейди мураббий Қўлдош Асрақулов.

## Мурод полвон мутлақ ғолиб бўлди

Нукусда ўн икки карра Ўзбекистон чемпиони Сапалок полвон Шомуродов хотирасига бағишлаб кураш бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатларидан келган 150 нафар кучли полвон икки кун давомида беллашди. Миллий курашимизнинг нақадар жозибадорлиги ва ҳалоллигини яққол намойиш этган қорақалпоғистонлик полвонлар - Қудрат Аҳмедов олтимиш килограммгача, Жумабой Қонёров эса 66 килограммгача бўлган вазнда ғолиб келди. Бухоролик Абдулла Саидов, самарқандлик Рустам Отаев ўз вазнлари тоифасида турнир чемпиони бўлди.

Халқаро турнирнинг мутлақ чемпиони унвони ва бош соврин - "ВАЗ-2606" русумли автомашина қорақалпоғистонлик полвон Мурод Отаниёзовга насиб этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов ғолибларга мукофотларни топширар экан, ўзининг юксак маҳоратини намойиш қилган спортчиларга ўзбек кураши шўхратини жаҳонга янада кенг ёйишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

ЎЗА муҳбири

### Муассис:


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир  
вазифасини бажарувчи  
Лайло КАРИМОВА  
Навбатчи муҳаррир  
Гулнора ХОЛБЕКОВА



### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



### Манзилимиз:

700083 Тошкент Марбуотчилар кўчаси, 32-уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқланиши мумкин.